VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

21 (30) 2009 йил 27 май, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси e-mail: milliyt@sarkor.uz



### Ўқув-семинарлар

Пойтахтдаги "Шодлик-палас" меҳмонхонасида ЎзМТДПнинг Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар кенгашлари "Ёшлар қаноти" етакчилари ва аъзоларининг сиёсий билим ва малакаларини оширишга бағишланган икки кунлик минтақавий семинар-тренинг ўтказилди.

➔ 2-бет



### Пойтахтимиз юбилейига бағишланди

Учтепа туманидаги Солиқ коллежида "Тошкент кеча, бугун ва эртага" мавзусида ижтимоий-сиёсий тадбир ташкил этилди.

➔ 6-бет



### Табиат қонуниятлари

Мутахассисларнинг фикрича, иқлим ўзгаришининг энг асосий сабаби антропоген, яъни инсон фаолияти билан боғлиқ омиллар саналади. Кейинги 100 йилда бу омилнинг кўрсаткичи 60-70 фоизни ташкил этган. Яна бир асосий сабаб – бу иссиқхона газларининг кўпайиши ва дарахтларнинг кескин камайиб бораётганидир.

➔ 7-бет

## Президент Бразилияга жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг таклифига биноан 26 май куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга жўнаб кетди.

Ўзбекистон ва Бразилия халқаро майдонда яқиндан ҳамкорлик қилади, бир-бирининг таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Лотин Америкасида ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома аъзоси сифатида Бразилия Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги ташаббусини тўла қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон БМТ органларига Бразилия номзодларини ёқлаб келади. Умуман, икки мамлакатнинг халқаро муаммоларга, ривожланиш масалаларига қарашлари ўхшаш ва яқин.

Ўзбекистон ва Бразилия савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларга ҳамкорликнинг муҳим бўғини сифатида қарайди. «Ўзинфоинвест» агентлиги билан Бразилиянинг Савдо ва сармоя агентлиги (АПЕКС) ўртасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган. Икки мамлакат ўртасида турли мақомдаги делегациялар алмашуви изчил давом этмоқда, 2008 йили Сан-Паулуда Ўзбекистон-Бразилия бизнес-форуми ташкил қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташрифи асносида Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

(ЎзА)

**ЎзМТДП АЁЛЛАР ҚАНОТИ**



## Донолик ва ташаббускорлик сиёсий етакчилик мезони

*Аёлларнинг маънавияти, уларнинг юксак инсоний фазилатлари, сиёсий ва ҳуқуқий қарашларининг мажмуаси жамият ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир қилиб, унинг маънавий қиёфасини ҳам белгилаб беради. Демократик қадриятларнинг ҳаётимизга сингишини таъминлаш ва уларнинг амалдаги татбиғига эришиш бугунги кун зиёли аёлларининг биринчи галдаги вазифасига айланиб улгурган десак янглишмаймиз.*

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Уларнинг жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллашларига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон «Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўзининг қатор лойиҳа ва дастурларини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этиб бормоқда. Партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими томонидан "Донолик ва ташаббускорлик–сиёсий етакчилик мезони" мавзусида республика кўрик-танловини ўтказиш ташаббусини ҳам бу йўлдаги амалий саъй-ҳаракатларнинг бири дейиш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

**ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**

## Демократик блок йиғилиши

### унда 2008 йил ва 2009 йилнинг биринчи чорагида Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботи тингланди

**Сарвар ХУРРАМОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик блок йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Демократик блокка бирлашган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Адолат социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари аъзолари, қатор вазирлик ва идоралар ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда депутатлар кун тартибидаги муҳим масала — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Айтиш жоизки, тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор муҳим қўшимча имтиёзлар ва преференциялар яратилмоқда. 2009 йил 1 июндан эътиборан лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизасини ўтказиш қиймати энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 3 бараваригача пасайтирилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган бож миқдори камайтирилди.

Тадбир иштирокчилари истиқлол йилларида мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаб, энг аввало, унинг бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиши, истеъмолчилар талабига таъсир кўрсатиши ва рақобат муҳитини шакллантира олиши билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратдилар. Иккинчидан, кичик бизнес янги иш ўринларини жадаллик билан яратиш, аҳоли бандлиги ва уларнинг фойда кўриш даражасини кўтариш имкониятини беради. Учинчидан, у ички бозорни маҳсулот ва хизматлар билан бойитадиган муҳим омил ҳисобланади. Соҳада бугунги кунда иш билан банд бўлган аҳолининг 76 фоизи меҳнат қилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида кичик бизнес соҳасида 374 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Демократик блок томонидан Қонунчилик палатаси депутатларининг давлатимиз раҳбарининг Қарори мазмун-моҳиятини барча фуқароларимизга етказиш, кичик бизнесни ривожлантиришда давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларда сайловчилар билан бўладиган учрашувларида кенг тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришга қаратилган вазифалар белгилаб олинди. Унга кўра Президентимизнинг мазкур Қарори ижроси юзасидан доимий мониторинг олиб борилади. Бунда Демократик блокка бирлашган фракциялар ҳамда барча даражадаги депутатлик гуруҳлари ўртасида ўзаро келишилган ҳаракатлар алоҳида эътиборга олинади.

Шунингдек, кун тартибидан ўрин олган Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил ва 2009 йилнинг биринчи чорагида Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

- Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда 2008 йилда республикамиз иқтисодиётида барқарорлик сақлаб қолинди ва ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, санотда 12,7 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этиб, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди,- деди масала юзасидан тушунтириш берган Молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаев. - Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми 2008 йилда салкам 22 фоизга ошди. Натижада кичик бизнеснинг ялпи маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги кўрсаткич (45,5 фоиз) 2008 йилга келиб 3,3 фоизга кўтарилди.

Йиғилишда, шунингдек бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилиб, киритилган ўзгартишлар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдирдилар.

Демократик блок аъзолари кун тартибида кўрилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди.

**ЁШЛАР СПОРТИ**

## Олимпия шаҳарчаси

### "Умид ниҳоллари — 2009" спорт мусобақасини ўтказишга шай турибди




**Акобир САЙИДОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш мақсадида мамлакатимизда ўқувчи ва талабаларни спортга жалб қилишга қаратилган спорт мусобақалари тизими муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 8-бетда)

## Сув ҳақидаги сўз чуқур ўйланган ва масъулиятли бўлиши лозим

*Марказий Осиёда сувдан фойдаланиш муаммоларига бағишлаб сўнгги пайтда минтақамизда кўплаб конференция, симпозиум ва семинарлар бўлиб ўтди. 2009 йил 28 апрель куни Олмаота шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатларининг форумида ҳам минтақада сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.*

Форумда минтақада сув ресурсларидан фойдаланишга доир турли фикр ва нуқтаи назарлар баён этилди. Трансчегаравий Сирдарё ва Амударё оқимининг юқори ҳамда қуйи қисмида жойлашган давлатлар манфаатларини ҳисобга олганда, бу табиий ҳол, албатта.

Баҳс-мунозаралар давомида ушбу дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатларнинг айрим вакиллари томонидан трансчегаравий дарёлар сув ресурслари учун муайян шаклда ҳақ ундириш ғоясини илгари суришга уринишлар бўлди. Ҳаттоки, бундай ёндашувни гўё Жаҳон банки ҳам қўллаб-қувватлаши борасида баландпарвоз гаплар айтилди.

Бироқ, ушбу масаланинг моҳиятини жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда диққат билан кўриб чиқилса, масалани бу тарзда қўйиш асоссиз экани аён бўлади.

БМТ маълумотларига қараганда, трансчегаравий ҳавзалар Ер юзасининг 45,3 фоизини қамраб олади. Бундай ҳудудларда сайёрамиз аҳолисининг қарийб 40 фоизи истиқомат қилади ва дунёдаги дарёлар оқимининг 80 фоизи мазкур минтақалардан ўтади. Бунда ушбу дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатлар томонидан дарёларнинг юқори қисмида жойлашган давлатларга сув учун пул тўланган ҳолатлар ҳеч қачон кузатилмаган. Бундай ҳолат БМТ ҳамда трансчегаравий сув ресурслари мақоми ва ана шу сув ресурсларига туташ давлатларнинг ҳуқуқларини белгилаб берадиган бошқа халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг биронбир халқаро ҳуқуқий ҳужжатида кўзда тутилмаган.

(Давоми 4-бетда)

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

ЎзМТДП АЁЛЛАР ҚАНОТИ

## Донолик ва ташаббускорлик

### сиёсий етакчилик мезони

(Давоми. Боши 1-бетда)

Танловнинг асосий мақсади мамлакатимиз хотин-қизлари орасидан истеъдод эгаларини кашф этиш, миллий анъаналар ва қадриятларни самарали усул ва услубларга мувофиқ кенг тарғиб этиш, аёлларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш ва сиёсий етакчилик маҳоратини оширишдан иборатдир.

Танлов туман (шаҳар), вилоят ва республика босқичларида ўтказилиши мўлжалланиб, унда иштирокчилар "Маънавий, сиёсий, ҳуқуқий саводхонлик беллашуви", "Глобаллашув жараёнида маънавий қадриятларни сақлаш муаммоси (эркин мавзу)", "Агар мен депутат бўлсам" лойиҳалари бўйича ўзаро беллашадилар ва унда ёши 20 дан кам бўлмаган, ЎзМТДП аъзоси бўлган хотин-қизлар қатнашиш имкониятига эга. Айни кунларда ушбу кўрик-танловнинг туман ва шаҳар босқичлари ўз ниҳоясига етди.

"Донолик ва ташаббускорлик-сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар туманлари босқичлари кўтаринки руҳ, янги ғоя ва таклифларга бой тарзда ўтди дейиш мумкин. Жумладан, Шайхонтоҳур туман босқичи унда қатнашган 6 нафар иштирокчиларнинг танлов шартлари бўйича қизғин беллашувлари, баҳс-мунозаралари остида кечди. Унда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шоира Умарова, Мунира Қориева, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Насиба Миродилова Президентимиз раҳнамолигида аёлларга берилаётган юксак эътиборга партия ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга интилаётганлигини, хусусан партия томонидан амалга оширилаётган ишларга тўхталдилар.

Партия "Аёллар қаноти" қошида тузилган "Олима аёллар", Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент шаҳар ва бошқа кўплаб ҳудудий кенгашлардаги лидер қизлар, "Тўмарис издошлари" клублари томонидан аёлларни мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардан янада кенгроқ воқиф қилиш мақсадида турли ўқув семинарлар, кичик форумлар ташкил этиб келинмоқда. Шунингдек, хусусий тадбиркорлик, касаначилик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кенгашлар қошидаги ҳуқуқий марказлар орқали зарур амалий кўникмалар берилмоқда. Биргина ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши қошидаги "Тўмарис издошлари" клубида турли соҳа мутахассислари жалб этилиб,қизларни оилага тайёрлаш, нотиқлик санъати ва сиёсий билимларини ошириш бўйича тўгараклар ташкил қилинган. Улар сафи спорт, адабиёт, санъат ва миллий ҳунармандчиликка қизиқувчи қизлар билан кенгайиб бормоқда. Тадбирда йиғилганларга депутатлар, партия фаоллари томонидан бу борада қилинаётган ишлар хусусида батафсил маълумотлар берилди.

— Партия ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу танловни мен ўз сиёсий фаолиятимнинг бошланғич поғонаси дея эътироф этаман,- деди туман босқичида ғолибликни қўлга киритган партия аъзоси, "Лахисан" корхонаси бухгалтери Ирода Қодирова. — Партияга аъзо бўлиш бу шунчаки аъзолик эмас, балки сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш, жамиятда рўй бераётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш демакдир.

Танловнинг Юнусобод туман босқичи ҳам қизиқарли баҳс-мунозаралар, тортишувлар асосида кечди. Унда ғолибликни Рафиқа Шодибекова қўлга киритган бўлса, иккинчи ўринга Клара Аҳмедова лойиқ деб топилди.

— Бухоро вилоят кенгаши ва партиянинг барча туман кенгашлари "Аёллар қаноти" раҳбарлари бутун диққат-эътиборини ушбу тадбирни мазмунли ва самарали ўтказишга қаратганмиз,-дейди ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Олима Рўзиева. — Танловнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, хотин-қизларни сиёсий жараёнларга жалб этиш борасида Когон шаҳри, Олот, Ғиждувон, Жондор, Қоравулбозор, Вобкент ва Шофиркон туманларининг чекка-чекка ҳудудларида ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Бунинг натижасида хотин-қизларнинг фаоллиги янада ортди.

Юқоридаги фикрларнинг исботи ўлароқ, Когон шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган танловни кузатар эканмиз, миллий либосларда ўзгача латофат ва жозибага тўлиб турган мунис опа-сингилларимизнинг нафақат оила илмида, балки сиёсий-ҳуқуқий маданият ва етакчилик қобилиятларида ҳам анчайин уддабурон ва ташаббускор эканлигига яна бир бора амин бўламиз. Глобаллашув жараёнида маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаш шарти бўйича эркин мавзу йўналишида халқимизнинг миллий ва маънавий қадриятларини йўқотишга қаратилган мафкуравий таҳдидлар ҳамда уларга қарши кураш йўлларини ўзида ифода этган саҳна кўринишлари барчани сергак торттирди. Жумладан, Саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Сарвиноз Худойбердиева томонидан дунёдаги чиркин иллатлардан бирига айланган одам савдосининг айрим ватандошлармизни йўлдан оздираётгани, бойлик васвасасига тушган инсонларнинг аянчли тақдирини кўрсатувчи чиқиши томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Танловда 7 нафардан иборат қатнашчилар орасидан ғолиблик Севара Шодиевага насиб этди.

Вилоятнинг Ғиждувон туманида турли соҳаларда фаолият юритаётган хотин-қизлар ўртасида ўтган танлов ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди. Айниқса "Агар мен депутат бўлсам" шартига берилган жавоблар иштирокчиларнинг жамиятдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга доир пишиқ-пухта таклиф ва мулоҳазаларга эга эканликларини кўрсатиб берди.

Бухоро шаҳар кенгаши томонидан ҳам ташкил қилинган танловда миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизни иш фаолиятида намоён этаётган ва айни пайтда етакчилик, ташкилотчилик, ташаббускорлик фазилатларига эга 8 нафар партия аъзоси иштирок этишди. Шаҳардаги 35-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган танловда Президентимиз асарлари, уларнинг мазмун-моҳияти, янги қабул қилинган қонунлар тўғрисидаги тест саволларига жавоблар берилди, эркин мавзу шартида мунис аёлларимизнинг дилларни сел қилувчи аллалари янграйди, Тўмарис, Нодирабегим, Увайсий каби тарихий аёл қаҳрамонларимизнинг жасурлиги, матонати ва шижоатини ифодаловчи саҳна кўринишлари намойиш этилди. Ҳакамлар ҳайъати биринчи ўринни якдиллик билан мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Гулбаҳор Усмоновага беришди ва у танловнинг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса Муҳаббат Толипова ва Гулмира Убайдуллаевага насиб этди. Барча қатнашчилар ЎзМТДП вилоят ва шаҳар кенгашларининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ушбу кўрик-танловнинг Конимех туман босқичи тумандаги 1, 7, 9, 36 ва 40-мактабларнинг ўқитувчилари ўртасида бўлиб ўтди. Иштирокчиларнинг турли миллат вакиллари эканлиги тадбирга ўзгача шукуҳ бағишлади. Ҳар бир шарт бўйича чиқишлар ЎзМТДП вилоят кенгаши, туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот ва маданият ва спорт ишлари бўлимлари вакилларидан тузилган ҳакамлар ҳайъати томонидан холис баҳоланиб борилди. Натижаларга кўра, тумандаги 9-мактаб ўқитувчиси Мақсуда Музаффарова туман босқичи ғолиби деб топилди. 1-мактаб ўқитувчиси Гулшира Тагаева ва 36-сонли мактаб ўқитувчиси Рита Ўтегеноваларга иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди. Иштирокчилар ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Мазкур танловнинг Бойсун туман босқичи тумандаги Агросаноат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Уни туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Даврон Орипов очди ва кўрик-танлов низоми, шартлари билан иштирокчиларни таништирди. Унда Агросаноат, ўрмон хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежларидан иштирокчилар қатнашдилар. Шартларни моҳирона бажарган, сиёсий билимларининг мустаҳкамлигини кўрсатган Адолат Шарипова биринчи, Мунира Тўрақулова ва Меҳринсо Жумаевалар иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб кўрилди.

Шеробод шаҳридаги 66-умумий ўрта таълим мактабида мусобақада мазкур мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Санобар Каримова 60 балл тўплаб ғолибликни қўлга киритди:

— Шартларнинг бир-биридан қизиқарлилиги менинг танловда иштирок этиш иштиёқимни янада кучайтирди ва унга ҳужжатларимни топширдим. Тайёргарлик кўриш жараёнида эса ўзим билмаган жуда кўп маълумотларга, билимларга эга бўлдим. Энг аввало, ташкилотчиларга самимий миннатдорчилигимни билдираман. Бизни имкониятларимизни рўёбга чиқаришга чорловчи бундай ташаббуслар ўз олдимизга катта мақсадлар қўйишга ундайди. Уларни келгуси фаолиятим бош мезонига айлантирмоқчиман.

Шунингдек, унда ушбу мактабнинг иш юритувчиси Феруза Норқулова 53 балл тўплаб иккинчи, 27-умумий ўрта таълим мактаби тарих фани ўқитувчиси Нилуфар Бобоева 41 балл тўплаб учинчи ўринларга сазовор бўлишди.

Айни кунларда танловнинг вилоят босқичлари бошланди.

*Партия "Аёллар қаноти"қошида тузилган "Олима аёллар", Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент шаҳар ва бошқа кўплаб ҳудудий кенгашлардаги лидер қизлар, "Тўмарис издошлари" клублари томонидан аёлларни мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардан янада кенгроқ воқиф қилиш мақсадида турли ўқув семинарлар, кичик форумлар ташкил этиб келинмоқда. Шунингдек, хусусий тадбиркорлик, касаначилик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кенгашлар қошидаги ҳуқуқий марказлар орқали зарур амалий кўникмалар берилмоқда.*



ФАОЛИЯТ

## Замон билан ҳамнафас

### бўлишга интилиш ЎзМТДП Зомин туман кенгаши фаолиятининг иш мезонига айланган

*Жаннатмакон диёримизнинг қадим ва навқирон, мўъжизакор ва бетакрор гўшалари бисёр. Олис-олислардан ҳам яққол кўриниб турадиган, бир томони Бойқўнғирга, яна бир томони Молгузарга ёндош Туркистон тизма тоғлари этагида жойлашган Зомин тумани ана шундай масканлардан саналади.*

**Сарвар ХУРРАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

Бу тупроқда унмаган нобототнинг ўзи йўқ, ҳисоби. Саноатда лозим бўлган барча ўсимликлар, жумладан озуқабоп ва турли дардга шифо бўладиган гиёҳларгача шу заминда мужассам. Ажиб сеҳрли табиатини кўриб ҳайратланган австриялик олим, профессор Хиткок Зоминни "Иккинчи Швецария" деб таърифлагани бежизга эмас, албатта.

— Бугун зоминликлар ҳам истиқлолимиз берган имкониятлардан унумли фойдаланиб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида ютуқларни қўлга киритиб келишмоқда,- дейди ЎзМТДП Зомин туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Зоидбек Алимов. — Замонавий услубда қайта таъмирланаётган ва янгидан қурилаётган мактаблар, коллежлар ишлаб чиқариш корхоналари... Айниқса, замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлишга интилаётган тадбиркор ва ишбилармонларимиз сафи кундан-кунга ортиб бораётгани эътиборга лойиқ. Бунинг натижаси ўлароқ, янги иш ўринлари ташкил этилиб, касаначилик, якка тартибдаги тадбиркорлик, халқ амалий санъати, ҳунармандчилик каби бир қатор соҳалардаги муваффақиятлар тобора кўзга ташланиб боряпти.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши ҳам бу хайрли ишлардан четда эмас. Партиянинг туман кенгаши, айниқса ёшлар ва аёллар бўғинлари, аҳоли билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб бир қатор амалий ишлар қилишмоқда.

Жумладан, ЎзМТДП туман кенгаши ташаббуси билан марказдаги Боғишамол маҳалласи Эски Зомин гузаридаги муддатини ўтаган йўлларни қайта таъмирлаш, бир қанча қишлоқлар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби долзарб масалалар ўз ечимини топмоқда. Бундан ташқари кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларини ташкиллаштиришга ҳам кенг эътибор қаратилиб, халқ умумҳашарларини уюштириш ҳамда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, қишлоқ маҳаллалари, мактаблар, коллежлар, корхона ва муассасалардаги бошланғич партия ташкилотлари билан доимий алоқа ўрнатилиб, турли тадбирлар, давра суҳбатлари уюштирилмоқда.

Инқирозга қарши чоралар Дастури ижросини таъминлашга бағишланган "Ўзбекистон иқтисодиёти барқарорлиги", "Ўзбекистон иқтисодиёти-мустақил йўлда" мавзуларида ўтказилган давра суҳбатлари, одам савдоси ва унга қарши курашишга қаратилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари иштирокидаги "Одам савдоси-глобал муаммо", "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" муносабати билан "Қишлоқ тараққиёти-юрт фаровонлиги" мавзуларидаги тадбирлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, ЎзМТДП туман кенгашининг тадбиркор ва ишбилармонлар билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйишда кўзлаган асосий мақсади салоҳиятли, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни янги иш ўринлари билан таъминлашдан иборатдир.

БПТ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

## Эътибор ва рағбат

### фаол аъзолар сафини янада кенгайтирмоқда

**Д.ҲАЙИТОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

— Албатта, ҳар бир орзу ва эзгу ниятга эришиш фақат ҳоҳиш билан чегараланиб қолмасдан, шунга яраша амалий ҳаракат ҳам талаб этилади ва шундагина мақсадлар ўз мевасини бера бошлайди. Биз ҳам бошланғич ташкилотларни партиямиз бош бўғини ва чинакам таянчига айлантиришга интилар эканмиз, бунда ҳар бир жамоа ёки муассасада фаолият юритаётган сафдошларимизнинг саъй-ҳаракатлари, ташаббуси ва ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро фикрлар, тажрибалар алмашиш эса ишдаги муваффақият гаровидир, - дейди БПТ етакчиси Моҳира Қурбонова.

Моҳира Қурбонова Шаҳрисабз Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўқитувчилик билан биргаликда, ЎзМТДП бошланғич ташкилоти етакчиси сифатида ҳам фаолият олиб боради.

— Тарихда "Илм ва одоб шаҳри" дея эътироф этилган шаҳримизда мустақиллик йилларида қуриб, фойдаланишга топширилган ўқув муассаларини кўриб кўзингиз қувонади,- дейди у. — Коллежимиз ҳам ўтган йили реконструкция қилиниб, қайтадан таъмирланди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ўқув хоналари, ишлаб чиқариш ва касб-ҳунар ўргатишга мўлжалланган лабораториялар мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида ўқувчиларга ҳар томонлама мукаммал билим беришга хизмат қилмоқда. Ҳамкасбларимнинг давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитлардан унумли ва самарали фойдаланиб, меҳнат қилишаётганини ўқувчиларимизнинг туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадаларида муносиб ўринларни қўлга киритаётганлиги ҳам исботлаб турибди.

Етакчимиз фахрланганича бор. Барча спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт зали ва унда фаолият кўрсатаётган кикбоксинг, бадиий гимнастика, баскетбол ва волейбол, миллий кураш тўгараклари ўқувчиларнинг севимли машғулотига айланиб улгурган. Уларга бўлган эътибор ва рағбатлантиришнинг самараси ўлароқ, Жасур Турдиев, Фаёза Бойқобилова, Наврўз Иноятовлар ёш полвонлар ўртасида ўтказилган кураш мусобақаларида совринли ўринларни қўлга киритишди.

Коллеж ўқитувчилари шогирдларининг нафақат спортдаги ютуқлари, балки уларнинг касб сирларини ҳам пухта ва мукаммал ўрганишаётганидан қувонадилар. Муассасадаги яратилган шароит ёшларнинг маънан баркамол ва жисмонан соғлом камол топишларига замин ҳозирламоқда. Коллежда ўтказилаётган ҳар бир маънавий-маърифий тадбирда ўз сафига 48 нафар аъзони бирлаштирган бошланғич партия ташкилотининг катта ўрни бор. БПТ ташаббуси билан Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарларини ўрганишга бағишланган давра суҳбатлари, "Навоийни англаш – ўзликни англаш", "Ёшлар қаноти - партия кўмакчиси" каби тадбирлар ўқувчиларнинг маънавий билимларининг бойишига, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигининг ошишига ҳисса қўшмоқда.

Миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий урф-одатларимизни асраб-авайлаш ва давом эттириш БПТ аъзоларининг бош мақсадига айланган. Уларни ўрганиш ва кенг тарғиб қилишга бағишланган кўрик-танловларнинг доимий ўтказилиши бу фикримизни яққол исботлаб турибди. Яқинда коллежда бўлиб ўтган ана шундай тадбир партиядошларимиз ва хайрихоҳларимиз сафини янада бойитди. Партия сафига қабул қилинган бир гуруҳ коллеж ўқитувчи ва ходимларига аъзолик гувоҳномаларини ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Фазлиддин Воҳидов топширди.

ЖАРАЁН

*Пойтахтдаги "Шодлик-палас" меҳмонхонасида ЎзМТДПнинг Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар кенгашлари "Ёшлар қаноти" етакчилари ва аъзоларининг сиёсий билим ва малакаларини оширишга бағишланган икки кунлик минтақавий семинар-тренинг ўтказилди.*

## Ўқув-семинарлар

### «Ёшлар қоноти» етакчилари ва аъзоларининг сиёсий билим ҳамда малакаларини ошириб бормоқда

Унда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Минтақавий ахборот-таҳлил марказлари вакиллари, экспертлар ва олимлар иштирок этишди. Семинар-ўқувларнинг асосий мақсади — сиёсий партиялар ёш фаоллари ишини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, уларнинг ёшлар орасидаги фаолияти устувор йўналишларини аниқлаш, ёшлар орасида партия ғоялари тарғиботини янада кучайтириш бўйича навбатдаги вазифаларни белгилаб олиш, "Ёшлар қаноти" етакчиларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишдан иборатдир.

Ўқув давомида иштирокчиларга мамлакатимизда мавжуд сиёсий партиялар фаолияти ва сайлов тизимига доир амалдаги қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятлари, давлат бошқаруви тузилиши, фуқаролик жамияти институтларининг жамиятдаги ўрни ва фаолият шакллари, партиянинг ёшларга оид сиёсати мақсад-вазифалари ва устувор йўналишлари ҳамда сиёсий партияларнинг фуқаролик жамияти ижтимоий-сиёсий ривожланишидаги ўрни ва роли каби мавзуларда зарур маълумотлар берилди. Шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, унинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари, ёшлар қатлами билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари, улар билан иш олиб боришнинг самарали усулларидан фойдаланиш сингари маърузаларнинг интерфаол шаклда ўқитиш ҳамда гуруҳларда ишлаш услубларига асосланган ҳолда етук мутахассислар томонидан олиб борилиши семинар қатнашчиларининг диққатини ўзига жалб этди.

Мазкур семинар-тренинглар партия "Ёшлар қаноти" етакчиларининг доимий равишда билим ва малакаларини ошириш, замон руҳига мос равишда партия тузилмаларининг ёшлар орасидаги фаолиятини такомиллаштириб бориш, тарғибот ишларида янгича усуллардан ва имкониятлардан унумли фойдаланиш каби муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ этишнинг амалий кўринишидир. Яна шуни алоҳида айтиш жоизки, ушбу ўқувлар партия фаолларининг бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан доимий тарзда хабардор бўлишларида, мамлакатимиз миқёсида олиб борилаётган сиёсий ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишишларида, партия дастурий ҳужжатларида ёшлар йўналишида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига эришишда муҳим аҳамият касб этади.

# ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

СОҒЛОМ АВЛОД

## Спортга эътибор — келажакка эътибор

**Илья ДИЛЬМАНОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

*Мамлакатимизда ёш авлодни спортга кенг жалб қилиш, уларни жисмонан етук ва баркамол қилиб тарбиялаш давлатимиз раҳбари раҳнамолигида юритилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Бу борада мустақиллик йилларида қилинган улкан ишлар самараси ўлароқ, Осиё ва жаҳон миқёсида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, совриндорлар қаторидан жой олаётган ёшларимиз сафи тобора кўпаймоқда.*

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га бағишлаб "Фарзандлари соғлом юрт-қудратли бўлур" шиори остида ёшлар орасида спортнинг ушу тури бўйича ташкил этилган мусобақадан кўзланган мақсад ҳам ёшларни спортга кенгроқ жалб этишдан иборатдир.



Нукус шаҳрининг қоқ марказида жойлашган замонавий "Манеж" спорт комплексида бўлиб ўтган ушбу мусобақага республикамизнинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган 700 га яқин ёш спортчилар иштирок этдилар.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида республика Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Давлетбой Қалқоразов, Ўзбекистон ушу федерацияси Қорақалпоғистон бўлими раиси Жақсилиқ Пирназаров, ЎзМТДП республика кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Кенгесбой Реймов, ЎзМТДП Хўжайли туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Нурмуҳаммад Сапаев сўзга чиқди.

Мусобақа иштирокчилари икки кун давомида ушбу спортнинг "ТАО-ЛУ", ва "САН-ЧАО" каби турлари бўйича куч синашдилар.

Қизғин беллашувлардан сўнг ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ўз навбатида ёш спортчилар ҳам тадбир ташкилотчиларига ва ҳомийлик қилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси республика кенгаши, республика Давлат солиқ бошқармаси, Элликқалъа "Элтекс" ва "Нефтебаза" жамоалари, шунингдек республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛИГИ

## Инқирозга қарши чоралар дастури кенг муҳокамада

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари юртимиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш, халқаро майдонда унинг нуфузи ва обрў-эътиборини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Муҳтарам Юртбошимизнинг ушбу асари айни кунда кенг жамоатчилик томонидан ўрганилиб, муҳокама этилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Гулистон шаҳар кенгаши томонидан партиядан халқ депутатлари шаҳар кенгашига сайланган депутатлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Уни партия депутатлар гуруҳи раҳбари Пиримқул Зармасов бошқарди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар юртимизда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши нафақат молиявий инқирознинг таъсирини юмшатиш, балки юртимиз иқтисодиётини янада юксалтириб, равнақ топтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида эътироф этдилар. Асар муҳокамасига бағишланган ана шундай тадбирлар вилоятнинг Сирдарё, Гулистон, Мирзаобод туманларида ҳам бўлиб ўтди.

АНЪАНАЛАРИМИЗ

## Миллий спорт ўйинлари

### фестивали таассуротларга бой бўлди

Ўсиб келаётган ёш авлод қалбида халқимизнинг тарихий, маънавий меросига нисбатан ҳурмат ва садоқат туйғуларини янада юксалтириш, ёшларнинг миллий урф-одатларимизни авлоддан-авлодга етказишда ижтимоий фаоллигини ошириш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор вазифаларидан биридир.

Партиянинг ана шундай дастурий вазифаларини амалга ошириш мақсадида яқинда ЎзМТДП Мирзаобод туман кенгаши томонидан "Камолот" ЁИҲ билан ҳамкорликда "Боғистон" маҳалласидаги спорт ўйингоҳида "Миллий спорт ўйинлари" фестивали ўтказилди.

Фестиваль катта тантанага айланди. Унда туман ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси, Болалар спортини ривожлантириш туман бўлимларидан вакиллар қатнашдилар. Фестивалда тумандаги Беруний, "Боғистон", "Наврўз", Усмон Юсупов, "Мирзачўл", "Янги ҳаёт", "Оқолтин" маҳаллаларидан ташриф буюрган ёш спортчилар миллий кураш, белбоғли кураш, арқон тортиш, чавандозлик, чиллак каби миллий ўйинлар бўйича ўзаро куч синашдилар. Беллашув муросасиз, қизғин баҳслар остида узоқ давом этди. Ҳакамлар хулосасига кўра "Наврўз" маҳалласи ёш спортчилари биринчи ўрин соҳиби бўлдилар. Иккинчи ўрин эса "Боғистон" маҳалласи вакилларига насиб этди. Бошқа спортчилар ҳам "Энг чаққон жамоа", "Энг фаол жамоа", "Энг тартибли жамоа" каби номинациялар бўйича ғолиб деб топилди.

Фестиваль якунида ғолиб жамоаларга ЎзМТДП туман кенгашининг қимматбаҳо совғалари тантанали равишда топширилди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ТАДБИР

## Оила — жамият устуни

*Халқимиз қадимдан оилага ва фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор билан қараган. Мустақиллик шарофати билан бу каби миллий анъана ва қадриятларимиз янада ривожланиб бормоқда. ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан ҳам ушбу йўналишда учрашув, давра суҳбатлари ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.*

**Моҳигул НАСИМОВА,**
**ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси**

Ушбу режага асосан ЎзМТДП вилоят, Қарши шаҳар кенгашлари томонидан вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Қарши шаҳар ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бўлими, Республика "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ўтказилган маданий-маърифий тадбир вилоятдаги ибратли оилалар, маҳаллалар, коллеж ва ташкилотлар вакиллари иштирокида шаҳар марказидаги "Эл юрт таянчи" ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиш маросими билан бошланди. Шундан сўнг М.Тошмуҳаммедов номли вилоят драма театри ижодкорлари томонидан "Яхши кайфият" спектакли иштирокчиларга маданий ҳордиқ улашиш мақсадида намойиш этилди. Томоша сўнггида намунали оила сифатида эл-юрт назарига тушган 5 та хонадон вакилларига ЎзМТДП вилоят ва шаҳар кенгашларининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Тадбир давомида оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва соғлом муҳитни яратиш мақсадида Қарши шаҳридаги болалар истироҳат боғида спортчи оилалар иштирокида "Оилавий марафон" спорт мусобақаси ташкил этилди. Унда шаҳардаги "Пахтазор", "Арал", "Арабхона", "Эски Анҳор", "Нефтчи", "Худойзод", "Маҳаллот", "Самарқанд", "Рогузар" ва бошқа МФЙ лардан оилалар қатнашдилар. Баҳсларда Холбозоровлар оиласи биринчи, Маҳмудовлар оиласи иккинчи, Ҳусановлар оиласи учинчи ўринларни қўлга киритиб, муносиб тақдирландилар.

Шунингдек иштирокчилар "Энг яхши тадбиркор оила", "Энг яхши ҳунарманд оила", "Энг яхши ижодкор оила" каби йўналишларда ҳам баҳс олиб боришди. Тадбирда намойиш этилган миллий ҳунармандчилик ва ёғоч ўймакорлиги намуналари ва миллий қандолатчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳамда концерт дастурлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

АНЖУМАН

## Болалар масканидаги музей



**Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Байрамларга бой юртимизда Халқаро музейлар куни муносиб нишонланди. Айнан ана шу сана муносабати билан Косонсой туман халқ таълими бўлимига қарашли 22-сон "Ҳилола" мактабгача таълим муассасасида "Ўлкашунослик музейи" анжумани ташкил этилди.

Унда Косонсой туман халқ таълими бўлими ва вилоят бошқармаси вакиллари, вилоят "Саёҳат ва ўлкашунослик" маркази ходимлари, ЎзМТДП туман кенгаши аъзолари ва республикамизнинг турли ҳудудларидан келган малакали педагоглар иштирок этишди.

— Туман халқ таълими бўлимимизда 37 та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритади. Лекин республика миқёсидаги анжуманнинг айнан шу масканда ўтказилиши бежиз эмас,- дейди туман халқ таълими бўлими мактабгача таълим услубчиси, "Халқ таълими аълочиси" Матлуба Сафоева. — Чунки, мазкур болалар боғчаси нафақат туманда, балки вилоятда ҳам ўз нуфузига эга. Иш услуби вилоятда кенг оммалашган муассасага кўп йиллик тажрибага эга "Халқ маорифи аълочиси", малакали педагог Ҳанифа опа Қосимова бошчилик қилади. Опанинг иш фаолияти, меҳнат тажрибаси бугун кўпчилик ҳамкасбларига асқотяпти. Бир ташкилотда 21 йил раҳбар бўлиш, жамоанинг кўнглига йўл топа билиш ва барчанинг бирдай ҳурматини қозона олиш осон иш эмас. Бунинг учун киши ҳар томонлама етук, интеллектуал салоҳияти ҳам шунга яраша, хуллас ўз ишининг фидойиси бўлиши керак.

100 га яқин экспонатларни кўздан кечирар эканмиз, мозийдан садо берувчи музейнинг ҳақиқатан ҳам болалар боғчасида ташкил топганига кишининг ишонгиси келмайди. Экспонатлар орасида XVIII асрга тегишли буюмларнинг борлигини кўриб-ку ҳайратланамиз. Турли шакл ва ҳажмдаги шокоса, сопол лаган, тоғора, кўза, мис лаган, обдаста, чирик ( пахтани чигитидан ажратадиган ускуна), савачўп( пахтани момиқ қилиш ниятида савайдиган калтак) аёлларнинг ҳар хил безак, тақинчоқлари, патефон, сўзана, кашталар, кели, ўғирча, оғирлик ўлчайдиган қўл бола тарозилар шуниси билан аҳамиятлики, улар биринчидан тарихдан сабоқ берса, иккинчидан ҳар бир инсон қалбида ўтмишига қизиқиш ва аждодлар меросини чуқур ўрганиш туйғусини шакллантиришга хизмат қилади.

Семинар сўнгида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан, хусусан узоқ Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрган меҳмонлар жамоанинг эсдалик дафтарига дил сўзларини ёзиб қолдиришди. Бир сўз билан айтганда бевосита туман халқ таълими бўлими ташаббуси остида ўтказилган анжуман барчада катта таассурот қолдирди.

МУЛОҚОТ

## Глобаллашув жараёни

### унинг ёшларимиз онгига таъсири

**Сарвар ХУРРАМОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти", томонидан ташкил этилган "Глобаллашув шароитида Ўзбекистон ёшларининг ўрни" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Глобаллашув жараёнида турли таҳдидлар, шу жумладан мафкура, маънавий ҳамда ахборот хуружларининг кучайиши, уларнинг миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга, шунингдек аҳоли онги ва дунёқарашига кўрсатаётган салбий таъсирларини ёшларимизга етказиш мақсадида ташкил этилган давра суҳбатида партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, ҳудудий партия ташкилотлари "Ёшлар қаноти" фаоллари, республикамиздаги таниқли сиёсатшунос олимлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни ЎзМДП МК Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Арслон Эшмуродов кириш сўзи билан очиб, истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда ёшлар сиёсати умуммиллий миқёсга кўтарилганлиги, уларга барча соҳаларда беқиёс имкониятлар яратилганлиги, шунингдек ЎзМТДП Дастурида ҳам ёшларга оид сиёсат бўйича аниқ вазифалар белгиланганлигини, шу эътиборга жавобан ёшларимиз юксак маънавиятли ва билимли бўлишлари, доимо ўз олдиларига улкан мақсадлар қўйиб, уни амалга ошириш учун дадил қадам ташлашлари лозимлигини таъкидлади.

Давра суҳбатида Республика маънавият ва тарғибот маркази раҳбарининг ўринбосари Султонмурод Олимнинг "Миллий қадриятлар миллий манфаатлар асоси" мавзусида қилган маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Унда ғоявий ва ахборот хуружларининг ёшларимиз онгига салбий таъсири, ундан ёш авлодни ҳимоя қилиш ва тарбиялашда эса миллий ва умуминсоний қадриятлар, тарихий-маданий меросимиздан унумли фойдаланиш зарурлигига урғу берилиб, бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари асосий назарий қўлланма эканлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, давра суҳбатида "Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар" мавзусида маъруза қилган сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков глобаллашув жараёни кундалик ҳаётимизга дахл қилаётганлигини аниқ мисоллар асосида тушунтириб, унинг салбий оқибатларини бартараф этишга доир таклифлари иштирокчиларнинг эътиборини тортди.

Тадбир савол-жавоб ва очиқ мулоқот тарзида бўлиб ўтди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

## "Юксак маънавият — инсон зийнати"

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан яқинда Гулистон Давлат университетида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини тарғиб қилиш, уни ўқиб-ўрганиш, асарнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдириш мақсадида "Юксак маънавият — инсон зийнати" мавзусида ўқув-семинари ташкил этилди. Унда университетнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича проректори Равшан Маҳмудов анжуманни очиб, "Маънавиятни шакллантиришнинг асосий мезонлари ва маънавий таҳдидлар" мавзусида маъруза қилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Солижон Қудратов "Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт: комил инсонни тарбиялаш масалалари" юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Анжуманда "Миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик тамойиллари", "Инсон маънавияти" мавзусида ҳам маърузалар тингланди. Уларда нотиқлар Юртбошимиз асарининг маъно-мазмуни, унда илгари сурилган ғоя ва қарашлар, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, шунингдек, жамиятимиз маънавиятини асрабавайлаш ва юксалтириш, халқимизни, айниқса, ёш авлодни турли ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида ана шу асардан келиб чиқадиган энг муҳим вазифаларни очиб бердилар.

Ўқув-семинар сўнггида савол-жавобларга кенг ўрин берилди. Талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**ЎЗ МУХБИРИМИЗ**

## Биз буюк юрт фарзандларимиз

*Наманган давлат университети талабалар турар жойида шу номда спорт мусобақаси ўтказилди. Тадбир ЎзМТДП ва "Камолот" ЁИҲ Наманган шаҳар кенгашлари ва Университет талабалар касаба уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Спорт мусобақасини халқ депутатлари Наманган вилоят кенгаши депутати, ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ж.Қаҳҳаров очди.*

Дастлаб муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, таҳсил олаётган бир гуруҳ талаба-ёшлар ўзларининг чиқишларини намойиш этдилар. Шундан сўнг иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, миллий кураш, арқон тортиш, савол-жавоб шартлари бўйича беллашдилар.

Тадбирда "Камолот" ЁИҲнинг университетдаги бошланғич ташкилоти раиси Қ.Вахобжанов сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар қатори спортга ҳам Юртбошимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ва бунинг самараси ўлароқ ёшларимиз эришаётган улкан ютуқлар ҳақида фикр юритди.

Мусобақа натижаларига кўра биринчиликни қўлга киритган "Шунқорлар" жамоаси ЎзМТДП Наманган шаҳар кенгаши ва "Камолот" ЁИҲнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Нодир ҚОДИРОВ,**
**ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари**

*Гиёҳвандлик иллати соғлом турмуш тарзимизга раҳна солади. Ёшлар саломатлигига жиддий зарар етказиб, оилаларга битмас — туганмас кулфат келтиради. Шу боис ҳам унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш барчамиздан бирдек масъулият талаб этади.*

## Ёш рассомлар рағбатлантирилди

Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан вилоят расмлар галереясида "Биз гиёҳвандлик ва ОИТСга қаршимиз" мавзусида кўрик-танлов ўтказилди.

Ушбу танловда вилоятдаги 50 нафардан зиёд ёш ҳаваскор рассомлар ўзларининг ижод намуналари билан иштирок этдилар. Улар ўз асарларида гиёҳвандлик ва ОИТС хасталикларининг нақадар оғир ва аянчи оқибатларини ўзига хос тарзда тасвирлаб бердилар. Иштирокчиларнинг ижоди Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, Республика Бадиий ижодкорлар уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари, таниқли рассом Анорқул Бойбеков бошчилигидаги нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан кузатилди. Уларнинг хулосаларига кўра 30 нафар ёшларнинг ижодий ишлари юқори баҳоланди. Жумладан, Гулистон шаҳридаги Ҳамза номли санъат мактаби ўқувчилари Муҳиддин Рисқиев, Ойбек Қаршиев, Шаҳноза Тошкенбоевалар томонидан чизилган суратлар барчага манзур бўлди.

Ёш рассомлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгашининг ҳамда Республика Бадиий ижодкорлар уюшмаси вилоят бўлимининг фахрий ёрлиқлари ва совғалари билан тақдирландилар.

**А.НОРҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## Йиғилиш танқидий руҳда ўтди

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Миллий боғда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Андижон вилоят кенгаши фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирни очган ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Комилжон Отахонов иштирокчилар эътиборини шу куннинг долзарб вазифаларига қаратди.*

Жумладан Юртбошимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарини халқимиз орасида кенг ўқиб-ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш борасида қилинаётган ишлар чуқур таҳлил этилди. Бўлажак сайловлар олдидан партия қуйи бўғинларининг ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишларни ҳар қачонгидан кучайтириш, партия сафларини мустаҳкамлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Халқаро Бобур жамғармасининг мақсад ва вазифалари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Устав ва Дастурига тўла-тўкис мос тушади,- деди сўзга чиққан партия Марказий Кенгаши аъзоси, жамғарма раиси Зокиржон Машрабов. - Бобомиз Бобурмирзонинг хотирасини улуғлаш, бой ижодий меросини халқимизга етказиш йўлида қандай ютуқларга эришган бўлсак, барчасида партия фаолларининг муносиб улуши бор. Келгусида бу соҳадаги ишларимизни янада кучайтиришимиз лозим.

Шунингдек, йиғилишда партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари томонидан таъсирчан ва самарали тадбирлар ўтказиш каби партия фаолиятига доир долзарб масалалар бўйича камчиликлар муҳокама этилиб, уларнинг ечимини топиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**М.ШАМСУДДИНОВ**

ЁШЛАР СПОРТИ

# Олимпия шаҳарчаси

## “Умид ниҳоллари — 2009” спорт мусобақасини ўтказишга шай турибди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шулардан бири умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини қамраб олувчи “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаси бўлиб, мамлакатимиз ёшларини соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишга хизмат қилади. Мутахассисларнинг эътироф этишича, дунё мамлакатларида ёшларнинг турли мусобақалари мавжуд, бироқ ўсмирлар ва ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этишнинг бундай узлуксиз тизими жаҳон тажрибасида кузатилмаган.

Ана шундай нуфузли мусобақанинг финал босқичини ўтказиш учун, Қашқадарё вилоятидан олимпиада машъаласини қабул қилиб олган Сирдарё вилояти, хусусан Гулистон шаҳри айни дамда ўз номига муносиб тарзда гулларга бурканиб бетакрор қиёфа касб этган. Олиб борилган бунёдкорлик ва ободончилик ишларидан сўнг шаҳар таниб бўлмас даражада чирой очди. Бир сўз билан айтганда бугун Гулистонда меҳмонлар учун замон талабларига мос тарзда таъмирланган спорт иншоотлари, меҳмонхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш объектлари шай турибди. Мусобақалар Гулистон шаҳрининг қуйидаги жойларда ўтказилади:

Баскетбол (ўсмирлар) — Гулистон тиббиёт коллежида, баскетбол (қизлар) — Гулистон Давлат университетида, волейбол (ўсмирлар ва қизлар) - “Алпомиш” спорт марказида, қўл тўпи (ўсмирлар) — “Ёшлик” марказий стадионида, қўл тўпи (қизлар) — Гулистон шаҳар болалар спорт мажмуаси (IV ТИП)да, футбол — Гулистон шаҳар болалар спорт мажмуаси (IV ТИП)да, стол тенниси — Гулистон қурилиш коллежида, кураш ва белбоғли кураш- “Динамо” спорт залида, спорт гимнастикаси — Гулистон 1-академик лицейида.

Бундан ташқари мусобақа иштирокчиларини кутиб олиш, кузатиш, жойлаштириш, уларга овқатланиш, тиббий ҳамда юксак савиядаги сервис ташкил этиш, қатнашчиларга транспорт хизматини ташкил этиш, санитария хизматлар кўрсатиш ва бошқа масалалар бўйича ишчи гуруҳлар фаолият юритмоқда. Мусобақаларнинг 1792 нафар иштирокчиси (жами таклиф этилган меҳмонлар билан биргаликда 2869 нафар)га 12 та турар жой ва овқатланиш масканларида 15 та тиббий пункт ташкил қилинди. Унга жами 180 нафар шифокор ва 100 нафар кичик тиббиёт ходимлари бириктирилди.

# МАДАНИЯТ



**Мухтор Мамадиёров, «Турон» қурилиш-сервис шуъба корхонасининг бош муҳандиси:**

— Биз Гулистон қурилиш касб-ҳунар коллежининг ётоқхонаси, болалар зали, спорт зали, ошхонасини ЎзДонМаҳсулот акционерлик жамияти ҳомийлигида капитал таъмирладик. Таъмирлаш ишлари август ойида бошланган эди. Мана ниҳоят май ойида, спортчиларимизнинг келиши арафасида ҳамма шарт-шароитларни тайёрлаб қўйдик. Таъмирлаш ишларига 1 млрд.дан ортиқ маблағ сарфланди.

Дарҳақиқат, кенг кўламли бунёдкорлик ишларида суҳбатдошимиз таъкидлаганидек қурувчилар билан биргаликда ўқув муассаса раҳбарлари, бу ерда таълим олаётган ёшларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган.

Коллеж ва университетлардан ташқари мусобақаларни ўтказишда спорт мажмуалари ҳам алоҳида ўрин тутади. Фойдаланишга топширилган спорт комплексларида яратилган шароитларни кўриб бизнинг ҳам ҳавасимиз келди. Энг муҳими бу масканлар келажакда сирдарёлик ёшлар учун сидқидилдан хизмат қилади.

**Бахтиёр Худойбердиев, Гулистон шаҳар IV ТИП Болалар спорт мажмуасининг директори:**

— Бизда ободончилик ишлари ҳамон давом этмоқда. Айни дамда бу ерда ўзимизнинг терма жамоамиз қўл тўпидан машғулотлар ўтказмоқда. Кейинчалик бу ерда ёшлар саккизта спорт тури билан шуғулланиши мумкин. Бир сменада 480 та бола қабул қилиш имконига эгамиз. Тренерларни ҳозирданоқ танлов асосида қабул қиляпмиз. Жумладан, фойдаланишга топширилган бассейн республика бўйича Тошкентдагидан сўнг иккинчи ўринда туради. У энг замонавий фильтрлаш мосламаларига эга. 560 тонна сувни тўрт соат ичида тозалаб беради.

**Сайфиддин Қодирқулов, “Мадад қурилиш” хусусий корхонаси раҳбари:**

— Гулистон шаҳридаги IV ТИП Болалар спорт мажмуасини қуриш мажбуриятини 2006 йилда ўтказилган тендерда ғолиб бўлиб, олдик. Саккиз ой муддатда, 1.914600 минг маблағ ҳисобидан қуриб битказдик. Жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада жиҳозланган комплекс айни дамда спортчиларни кутиб турибди.

Мутахассисларимиз таъкидлаганидек, “Умид ниҳоллари — 2009” спорт мусобақалари муносабати билан Сирдарё вилояти, айниқса вилоят маркази — Гулистон шаҳрида кичик олимпия шаҳарчаси бунёд этилди. Келажакда бу имкониятлардан унумли фойдаланган ёшлар нафақат юртимиз, балки дунё миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда давлатимиз байроғини кўкка кўтаришига ишонамиз.

ЎГИТ

**Имтиҳон бор имтиҳонда, эй ўғил,**
**Ўзни арзон бир синовга сотмагил.**

* * *

**Бор ҳақиқатни, дедимки, сўйласам,**
**Сўйламоқ мушкул экандир, ўйласам.**

*Жалолиддин РУМИЙ*

БИЛАСИЗМИ?

Лос-Аламосанинг миллий лабораторияси ходимлари томонидан 1996 йили энг арзон робот лойиҳалаштирилган. У Sony Walkman плеери қолдиғидан яратилиб, 1,75 АҚШ доллари қийматида баҳоланган.

* * *

Пристон университетида 1978 йили илк бор инсон томонидан энг юқори иссиқ ҳароратга эришилган. Айтишларича, тадқиқот пайтида иссиқлик ҳарорати Цельси кўрсаткичининг 70 миллион даражасига кўтарилган.

ТУРФА ОЛАМ

## Янги топилмалар ёки қадимги ҳайкалчалар

***Немис олимлари америкалик археологлар билан ҳамкорликда Германиянинг жанубий-ғарбий ҳудудидан мамонт суягидан ишланган энг қадимги ҳайкалчани топишган.***



Мутахассисларнинг айтишича, топилган ҳайкалчалар 35 минг йил аввал ишланган бўлсада, шу даврга қадар ўз кўринишини йўқотмай яхши сақланган. Янги топилмалар(асрлон, фил ва бир қанча номаълум ҳайвон кўринишидаги ҳайкалчалар) орасида энг ажойиби мамонт ҳайкалчаси бўлиб, унинг узунлиги 3,7 см., оғирлиги эса 7,5 гр. Ҳайкалча шунчалар дид билан ишланганки, ҳатто унинг ўйилган майда деталларини ҳам яққол кўриш мумкин экан.

## Сирли сағана

***Мисрда археологлар қадимги, бироқ ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган, янги сағаналарни топишган.***



Археологлар Мисрнинг Лахун шаҳарчасида XIX асрдан буён қазилма ишларини олиб боришади. Шу пайтгача ушбу ҳудуддан бир қатор топилмалар аниқланган. Лекин бу сафарги топилган сағана ниҳоятда яхши сақлаганлиги билан ажралиб туради. Сағанадаги мўмиёланган жасад ҳам ўз кўринишини йўқотмаган. Шунингдек, унинг устига ёпилган ёғоч ниқобнинг ёрқин ранги ҳам умуман ўчиб кетмаган. Мутахассисларнинг фикрича, бу топилмалар тасодифан аниқлангани йўқ, балки археолог Абдел Айеди ташаббуси билан амалга оширилган. Айтишларича, Абдел Айеди фираъвнлар салтанати асосчисининг сағанасини топган-у, бироқ оммадан уни сир тутмоқда.

## Қайта тикланадиган бетон

***Доимий ишлатиладиган бетон маълум вақт ўтиши билан ёки зилзила туфайли ёрилиб кетади.***




Бироқ, энди бундан ташвишланишга ҳожат қолмади. Негаки, Мичиган университети мутахассислари янги бетонни кашф қилишди. Олимларнинг таъкидлашича, янги бетондан қурилган блокларни эгиш мумкин экан. Чунки, ҳосил бўлган ёрмалар ёмғир таъсирида яна қайта тикланиб, ўз мустаҳкамлигини йўқотмайди. Оддий бетонга нисбатан ушбу бетоннинг нархи 3 баробар қиммат бўлса-да, мустаҳкамлиги ва узоқ йилга чидамлилиги билан ўзини оқларкан.

## Номаълум амфибия

***Австралиялик мутахассислар Австралиянинг ғарбий қисмидаги Кимберли ҳудудида қурбақанинг иккита янги турини аниқлашган.***



“Uperoleia micra” “Crinia Fimbriata” номини олган икки қурбақанинг катталиги 2 см. бўлиб, кўринишидан оддий бақага ўхшаб кетади. Шунингдек, мутахассислар Мадагаскарда ҳам 200 га яқин амфибия турини топишган.

**Наргиза ХУДАЙБЕРГАНОВА**
**тайёрлади**

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

## “Ниҳол-2009”

Шу кунларда юртимизнинг барча жойларида Президентимиз томонидан таъсис этилган “Ниҳол” кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичлари ўтказилмоқда. Айниқса, ўтган йиллар давомида бундай нуфузли мукофотга сазовор бўлганлар ҳозирда халқимиз кўнглидан ўрин олган дастурларини янада бойитиб бормоқда. Бу йилги танловга навоийликлар аллақачон шай бўлиб туришибди. Вилоятнинг Кармана, Конимех, Хатирчи, Нурота, Қизилтепа, Учқудуқ, Томди, Навбаҳор тумани, Навоий, Зарафшон шаҳрида ўтказилган танловларда юздан зиёд ёш истеъдодлар иштирок этиб, ўзларининг опера, рақс, мусиқа, эстрада ва мумтоз қўшиқ каби санъат турларида ўз имкониятларини намойиш этдилар.

Қорақалпоғистон Республикасидан “Ниҳол” танловига 400 га яқин ёшлар жалб этилган. Биринчи саралаш босқичида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Номозов, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Ёш ижодкорлар бошқармаси масъул ходими Шавкат Режапов иштироки танловни янада файзли ўтишига ҳисса қўшди.

Фарғона вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси раҳбарлигида вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларидан ёш истеъдодларни излаб топиш мақсадида турли хил танлов ва фестиваллар ўтказилди. “Ниҳол” Республика мукофотига саралаш босқичи шулар жумласидандир. Бошқарма томонидан тузилган режага кўра соҳанинг тажрибали мутахассислари вилоятнинг энг чекка жойларидан ҳам санъатни севган ёшлар билан танловнинг биринчи босқичини ўтказди. Танловнинг илк босқичида ғолиб бўлганлар шу йилнинг июнь ойида ўтказиладиган вилоят босқичида иштирок этиш учун катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Юртимизниг бошқа вилоятларида ҳам туман ва шаҳар саралаш босқичлари давом этмоқда.

**Мухтасархон**
**КАРИМОВА**


МТУ

**«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси**

2009 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг!

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

ҚР Нукус (3612) 22-88-68
Андижон (3742) 22-29-89
Бухоро (3652) 25-47-49
Жиззах (3722) 22-40-01
Қашқадарё (3752) 25-40-27
Навоий (4362) 23-26-86
Наманган (3692) 26-29-80
Самарқанд (3662) 34-22-53
Сирдарё (3672) 25-47-70
Сурхондарё (3762) 27-49-03
Тошкент вил. (3712) 233-13-04
Фарғона (3732) 24-29-22
Хоразм (3622) 26-63-75
Компания бўлими 234-85-99


Абдуҳафизов Абдулазиз номидаги Юнусобод тумани, Гулчилар кўчаси, 10-уйининг плани йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУХАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ



Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ


Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй


Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-423, Адади — 4564

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди


ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47


Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Акобир САЙИДОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.00.

7 8